

ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ СПОРТ СОЦИОЛОГИЯСИННИГ НАЗАРИЙ- МЕТОДОЛОГИК АСОСИ СИФАТИДА

Мадаминов Баходир Шарифжонович

Педагогика ва психология кафедраси доценти,
Наманган, Ўзбекистон

XIX асрнинг иккинчи қисмида О.Конт ва Г.Спенсер социологиянинг асосларини шакллантирган даврда ушбу фанни бу каби улкан келажак кутаётганлигини тахмин қилиш ҳам мумкин бўлмаган. Бугунги кунда социология — етакчи илмий фанлардан бири ҳисобланади. Инсон ёки инсонлар грухси олдида қанчалик мураккаб ва олий вазифалар турмасин, уларнинг барчаси инсон муносабатлари табиатига, одамларнинг бирга яшаш кўнижмалари ва қобилиятларига, қандайдир умумий қадриятларни бўлиша олишига, ўзини тутиш меъёrlарига, биз яшаётган дунёда ҳар қадамда учраб турадиган низоли вазиятларни ҳал этишга боғлиқ бўлади. Бизнинг олдимизда турган муаммолар қанчалик мураккаб бўлса, уларни ҳал этишда шахс ва унинг инсон ҳақидаги билимлари шунчалик муҳим ўрин тутади.

Сўнгги пайтларда бутун дунёда спорт ва жисмоний тарбияга алоҳида эътибор қаратилмоқда. У кўпинча байрам тадбирлари, оммавий спорт ўйинлари, кўча (маҳаллий шароитимизда маҳалла) спорт мусобақалари ва бошқалар орқали гавдаланади. Спортнинг жамоат ҳаётида мавжудлиги ва муҳим рол ўйнаши жуда муҳим бўлиб, унинг аҳамияти катта сиёsat ва мафкуравий даражагача кўтарилди. Спорт, жисмоний тарбия сифатида муҳим ижтимоий ҳодиса саналиб, социологларнинг ҳам тадқиқот объектига айланиб улгурди. Спорт социологияси биринчи навбатда спортнинг ўзи, иккиласми жисмоний тарбияни соғлом турмуш тарзининг асоси сифатида ўрганишни, шунинг асосида унинг тарбия технологиялари, ўқитиш усулларини такомиллаштиришни тавсия этадилар, унга нисбатан даврнинг ижтимоий ҳодисаси сифатида қарашни илгари сурадилар. Социология спорт орқали мураккаб ижтимоий тизимлар ва тузилмаларни тушуниш, ижтимоий дунё қай тарзда яшashi ва фаолият олиб боришини англаш имкониятини беради.

Гарбда узоқ вақт давомида социология сиёsat, маданият билан шуғулланувчилар учунгина зарур, деган фикр мавжуд бўлган. Бироқ ижтимоий дунё ўта мураккаб. У инқирозларга, низоларга, зиддиятларга тўла. Қай биримизга ўзаро бир-бирини тушуниш, яхши ният керак эмас? Низоларни ҳал этгандан кўра, унинг олдини олган афзал эмасми? Бунга эса фақатгина атрофимиздаги дунёни илмий англашга эришганимиздагина имконият туғилади. Айнан социология ижтимоий дунёни, шахснинг ижтимоий муносабатларини англаш имконини берувчи фан ҳисобланади.

Ижтимоий таҳлил учта асосий масалани ҳал этишни акс эттиради:

Ижтимоий тузилмалар қай тарзда шаклланади, ижтимоий ташкиллаштиришнинг турли шаклларининг вужудга келиш сабаблари ва шароитлари нималардан иборат?

Ушбу ижтимоий тузилмалар ва хулқ намуналари қай тарзда барқарорлик ва мустаҳкамликка эришади?

Ижтимоий тузилмалар қай тарзда ўзгаради ва парчаланади, ижтимоий бузғунчиликнинг сабаблари нимадан иборат?

Кўйилган саволларга жавоблар социологиянинг асосий муаммоларини илгари суради: ижтимоий тартибни қай даражада ўрнатиш мумкин ва бунга қай тарзда эришиш мумкин.

Социология — бу жамият ва унинг таркибий қисмларининг — ижтимоий гурӯхлар, уюшмалар,

одамларнинг ўзаро ижтимоий муносабатлари жараёнида вужудга келувчи ижтимоий институтларнинг ўзгариши ва фаолиятининг тузилмали механизмаларини илмий ўрганиш демакдир. Спорт социологияси эса инсон хулқ-автори ва ижтимоий-маънавий мухитни ташкиллаштиришни изоҳлаш ва оқилона тушуниш демакдир. Бунинг натижасида эса жамият ўз олдида турган муаммоларни ҳал этишнинг илмий йўлларини аниқлаб олиш имконияти вужудга келади.

Аслида инсон турмуш тарзи ва соғлиги билан барча фан тармоқлари шуғулланади. Аммо масаланинг долзарб жиҳатларини илмий асослаш учун алоҳида тармоқ соҳалар вужудга келади. Шундай йўналишлардан бири — бу спорт социологиясидир.

Ҳар бир муаммонинг мухим қирраларини фан орқали намоён этиш барчага маълум. Бирок 1930 йилда таниқли рус олим В.И. Вернадский томонидан илгари сурилган ўзига хос ғоя мавжуд: «биз энди фанга эмас, кўпинча муаммоларга мутахассислашиб бормоқдамиз». Замонавий жамиятнинг тараққий этиб бориши соғлиқни сақлашдаги долзарб ижтимоий муаммога тўқнаш келмоқда. Нима учун социал муаммо. Негаки инсоннинг соғлиғига бевосита жиддий таъсир кўрсатадиган ҳолатлар, бугунги кунда оиласидаги ташвишлар, спорт тизимидағи тартибсизликлар, иқтисодий ва сиёсий жараёнлардаги қонунларнинг пала-партишлиги, жамиятдаги маънавий ҳамда маданий меъёрларнинг таназзулга учраши кабилар сабаб бўлмоқда.

Мазкур келтирилган ҳолатлар юзасидан, таъкидлаш мумкинки, ҳозирги кунда Ўзбекистон шароитида спортнинг асосий тамойил ва масалаларини тадқиқ этиш учун «спорт социологияси» фанини ривожлантириш мухим омил саналади. Жамият ривожланишининг ҳозирги замон босқичида инсонни тарбиялаш, унинг жисмоний сифатларини ривожлантириш, саломатлигини мустахкамлаш, иш қобилятини ошириш, жамоаларда қулай руҳий мухитни яратишнинг кўп қиррали жараёнида жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Спорт эса — бу маданиятдир. У шу сабабли ҳам жисмоний маданият шаклида келади. Бунинг учун маданият мавзусини социологик талқинига эътибор қаратишимииз керак бўлади.